

## 1861 йил эсдалиги

Гланлар оиласи бедарак кетган лейтенант Томас Глан хусусида рўзномаларда кўп эълон бериб, сўраб-суриштиришларига карамай, ундан бирон-бир хабар бўлмади; у казо килгани, хатто кандай ахволда ўлганидан ҳам мен яхшигина вокиф эдим.

Очиги, оиласидагиларнинг беҳуда бир катъийлик билан уни кидираётганлари мени хайрон колдирмас, ахир Томас тегирмонга тушса, сог чикадиганлар хилидан, яна нафсиламрига уни кадрлашардилар ҳам. Уни хамон ўзимга ракиб деб билишга карамай, эсимга тушганда нафратдан коним кайнаб кетса-да, ха, ха, мен гарданимдаги карздан сокит бўлишим керак. У келишган, истараси иссик, навкирон ва яна алламбало фазилатлар кони ноёб нусха бўлганидан хар кандай кимсанинг хам бошини айлантирар даражада эди. У ичингда нима борлигини ўкиб оладигандай вахший, ўтли нигох ташлар, бу холати унинг ўзига-да хокими мутлак эканлиги, шуурингда яраклаб кетар, колаверса ўзи хам бунинг хўб хис килиб турарди. Бу хусусда бир аёлнинг ривоятнамо миш-мишини эшитганман: «Качон у менга кўз ташласа, мен ўзимда бўлмай коламан, у худди кўринмас кўллари билан менга тегинаётгандай бўлади».

Бирок, беайб парвардигор. Томас Гланда хам ўзига яраша кусурлар кўр тўккан, мадомики, мен ундан нафратланар эканман, бу нокисликларни яшириб ўтиришнинг хеч хожати йўк. Ул замонлар Глан шунчалик анойи, шу даражада кўнгилчан эдики, бамисли ёш боладай тегманозик, шу боис теграсида хавасманд кадрдонлари гирди капалаклари кўп бўлади. Глан соатларча улар билан хар тур ахмокона мавзуда бахслашар, керагидан ортикча лакиллар, хохолар, унга эса факат шу бемаъниликлар керак эди. Масалан, у бирон-бир семиз одамни таърифласа, уни бир коп ёг деб маломатлар ва ўз топкирлигидан маст бўлиб кийкирар, бирон-бир мажбурият боис бу беҳаё гапларни тиншашга тўгри келгацда, мен жуда хижолат тортардим. Кейинрок эса биз бир том остида тирикчилик ўтказишга тўгри келганда унинг канчалик думбул эканлиги билинди-колди. Бир эрталаб уйимизнинг хизматчи аёли хонамга кирди-да, нонуштага нима хохлашимни сўради. Мен шошиб турардим, ўйлаб ўтирмай: тухумли бир бурда нон, - дедим. Томас Глан хам уйимизнинг болахонасида, нак томнинг тагида яшар, айни паллада менинг олдимда ўтирарди. У бирдан менинг бу лукмамдан завкланиб кетди ва хохолашга тушди. «Тухумли бир бурда нон», деб у кайта-кайта такрорлаб, завкланар, бунинг хеч бир куладиган ўрни йўклигидан хайратга тушиб ўтирсамда, бир нима деб юбормасликка тиришардим.

Мен бу эски гапларни хотирларканман, унинг беўхшов, дагал, бемаза киликлари каторида, у ганимим бўлишидан катъий назар хар холда нимадандир мени аянгандай кўринади. Унга нима учун керак эди бу олийжанобликлар? Тўгри, у маст-аласт бўлгандагина, бунака ахмоқгарчиликларга берилишини айтишим керак. Бирок кай холатда бўлганда хам бу барибир жиркантирадиган нокисликлар эмасми?

Мен у билан танишган 1859 йил кузида у ўттиз иккига чиккан, биз хамтенг эдик. Ўшанда у бутун юзини коплаган соколда, эгнида тўкилган кўйлакда юрар, ёкаси хамиша очик бўлган бу кўйлагининг юкори тугмаларини хам ўтказай демасди. Ўшанда унинг чехраси менга фавкулудда келишимли кўринди, аммо уни кўришга кўзим бўлмай колганда яхшилаб разм солсам, унинг чехрасида хам меникидан ортикча ўзига тортадиган хеч вақоси йўк экан, факат мен ўзимни унингдек намойишкорона тутмайман. Мен у билан

кемада учрашиб колдим, хали биз йўлда, кўзлаган манзилимизга етмаган, темирйўлга етмай йўлда колиб кетмаслик учун дарров арава топишни келишиб олдик. Мен атайин ул жойни айтмаяпман, негаки яна хотирам тирналиб ўтишини истамасдим; Гланнинг оиласидагилар буни виждонан тушунишлари, шунга кўра кидирувни тўхтатганлари дуруст, чунки бор хакикат, Глан мен номини тилга олишни истамаетган манзидда айнан казо килгандир.

Хулласи калом, мен Томас Глан билан учрашганимча ҳам у хакида нималардир кулогимга чалинган, шу боис менга унинг асли бир кадар таниш эди. Эшитишимга караганда, у шимолий норвегиялик ҳеч кими колмаган, аммо жуда доврукди ва бадавлат бир офатижон ёшгина кизга ишки тушади, бироқ кизнинг шаъни аллакандай мубхам тарзда бўлгангач, у билан алокани узади. У нодонларча киз касддан ўзини шундай шармисор холга солган деб лакилларкан. Афтидан, унинг ўзи кизни бунга мажбур килган бўлиши керак. Чунки бундан Глан ҳеч юткизмасди. Негаки, ўшанда Томас Глан ишратбоз, арокхўр, жанжалкаш сифатида отнинг кашкасидек донги чиккан, шунинг оркасида хизматдан бўшаган пайтлари бўлиб, бу ҳам унга кўнгиладар очар ўйинларининг киёмидагидек туюлган, хатто аламига бу касос олишнинг манамадан деб турган имкони бўлиб кўринган бўлиши ҳам мумкин.

Ёш жувон билан унинг орасида шунга ўхшаш воқеалар бўлган деб миш-миш килишар, аммо бошқача гап сўзлар ҳам юрар, айтишларича, у ҳеч ҳам кизнинг насогига тегмаган, балки кизнинг ота-онаси уни кўрарга кўзлари бўлмаган ва хатто уни уйларидадан кувиб солишган, киз бўлса бу муносабатга қарши бирор-бир тадбир ишлатмаган, кайтага уларнинг хоши иродаси билан Глан исмини эшитишдан ҳазар киладиган, хуллас бир швед графига турмушга чикиб кетганмиш. Мен бўлса бу гапларга ҳеч ҳам ишонмайман, назаримда Томас Гландан нафратланишим боисми биринчи миш-миш хакикатга яқин, менга бошқалардан кўра, ул воқеа бўлгандай туюлади. Аммо бу воқеалар қай тарзда кечгану унинг машхури жаҳон маъшуқаси қим эди? Бу хусусда Глан менга лом-лим демаган, мен ҳам бу хусусда ҳеч қачон бирон нарса сўраб-суриштирмаганман. Менга бу зарил колибдими?

Мен шуни хотирлайманки, кемада гурунглашарканмиз, орамиздан биронтамик аввал бўлмаган бўлгуси манзилимиз хусусида сўзлашдик.

- Унда мехмонхона бор экан, - Глан харитадан ўша жойни кўрсата туриб сўзида давом этди, - етганимиз захоти дарров жойлашиб олардик. Бу қабилар хусусида менга қони бузук инглиз кампир айтиб берган, айтишича борар манзилимиз оксоқоли қўшни овулда яшаркан, унинг бир гала хотини бўлиб, аёллари 10 ёшдан катта эмас, деганди.

Очиги, мен бу ҳақда ҳеч нима эшитмагандим, оксоқолнинг хотинлари саногий-ю, кишлокда мехмонхона бор-йўклиги тушимга ҳам кирмаганлигидан лом-лим демадим. Глан бўлса, гаройиб хикояси адогида ним табассум килиб қўйди ва бу илжайиш ўшанда менга жуда ҳам ажабтовур кўринганди.

Ҳа, дарвоқе, мен қарийиб унутаязибман. Унинг келишган қадди-қомати ҳам нуксондан холи эмасди. Ўзининг айтишича, чап оёгида анча илгаритдан тузалмас ўк жарохати бўлиб, оби-хаво ўйнаб турар, рутубатли қунларда бу оёги зиркираб чикарди.

II

Бир ҳафта ўтиб биз каттагина қулбага жойлашдик. Эшитганимдек, дурагай инглиз кампир уни мехмонхона, деб атарди. Ох, бу мехмонхонасини! Мехмонхона

деворларининг катта кисми лой шувокли, баъзи ўринлардан ёгочлар чикиб турар, бу ёгочли жойларда хамиша аллакандай хашоратлар гужгон ўйнар ва одамга ҳеч тинчлик бермасди. Мен яшаган хона залнинг ёнидагиси бўлиб, унинг хира, камбар деразаси кўчага караганди. Глан бўлса болахонадаги коронгу бир чалдеворни танлаган, бу хонанинг ўзидан ҳам бешбаттар - гўрнинг огзидек хунук деразаси борлиги ҳам рост эди. Куёш кулбамизнинг похол томини аёвсиз киздирганидан, туну-кун бу азобга Глан махкум, чидаб бўлмас бу жазирамадан ташкари унинг хонасига чиқишга росмана зинапоя ҳам йўк, шунчаки тиркаб кўйилган, ағдарилардай гариб ёгочларга тирмашиб, унинг ўз хонасига чиқишга мажбурлигини айтмайсизми? Албатта, бунда менинг заррача гунохим йўк. Мен хали, жойлашмасимиздан олдин уни гапга солиб, аввало танлаш имконини унга хавола қилгандим.

- Бу ерда хона иккита экан. Кўриб турганимиздек бири пастда, иккинчиси тепада, хохлаганингизни танланг.

У иккисига ҳам разм солиб, юкоридагисини танлади. Мен рози бўла қолдим, эҳтимол, менга хонанинг яхшиси қолгандир, лекин бу учун унга ташаккур айтишим керакми? Биз шундай рози-ризалик билан орани очик қилиб олгандик. Хаддан жазирама кунлар биз овга чиқмасдик. Уйда танда қурадик: О, жазираманинг авжини, нақ ёндиради ўзиям. Тунда эса тўрларни қурт-кумурска, кемирувчилардан муҳофаза қилардик, ё пирай, бир сафар тўрмизга кўршапалак тушиб қолган ва унинг бир бўлагини кемириб ташланганди; Глан билан буцдай тасодифлар кам бўлмас, бунинг устига у бечора иссиқларда болахона деразасини беркитишни ҳам ҳеч иложисини қилолмас, мени бўлса худойимнинг ўзи ёрлақанди. Кундузлари биз кулба олдидаги бўйрада чўзилиб олардик. Чекишиб, кўшнилариинг хаётини қузатардик. Лаблари калин қора танли махаллий аҳолининг қора кўзлари хамиша ялтираб турар, кулоқларида сирга; улар қарийб ялонғоч юришар, факат сонларида латта ё шапалок барглардан боғичларгина кўринар, аёлларининг этаклари янада қалта бўларди. Болалар туну-кун сарпойчанг чопишар, катта қорнилари ялтираб кўзга ташланарди.

- Аёллари бунчалик сўлқулдоқ бўлмас-эй, - Глан менга лўкма ташлади.

Бахслашиш шарт эмас, хақиқатдан ҳам аёллари семиз, дейилганча бор. Хатто, буни Глан эмас, биринчи бўлиб ўзим пайкаган эдим, аммо буни тилга олишни эп кўрмагандим; қолаверса, уларнинг хурматини қилиб, бир нима дегим қелмаганди. Кейин ҳаммасини ҳам бадбашара ва семиз деб бўлмас, аксинча мен бир ним хунду, узун қоқил, марварид тишли қилбар билан танишиб қолдимки, у ҳаммасидан аломат эди. Мен унга илк бора дуч қелган қечки паллада у шолипоя рошидаги бўлиқ ўтлар устида узала тушиб, қалқанчасига ётганча, оёқларини қилқлатиб ўйнатарди. Биз тил топишгач, у уйига қетмади, ота-онасига қўшни қишлоқда тунаб қолдим, деб ёлғонлашга қарор қилди ва биз субҳи-содикдагина зўрга ажрашдик. Глан ўша қечни, жуда ёш, хали ўнни ҳам тўлдирмаган икки ўсмир қиз билан ўтқазибди. Ха, мана унинг шу даражада жирқанчликка бориши мумкинлигини кўринг, яна бу шолӣ ороғи тотими, унинг тотӣ сархушлигидан юз берган. бўлса қерак бу.

Икки кун ўтиб, биз овга жўнадик. Биз қой плантацияларини, шолипояларни, ўтлоқларни ортда қолдирдик, қишлоқлардан ўтдик, тобора ўзимиздан узокроқ жойларга интилардик, шунда бизга қалин ўрмонда мўъжизадай, умримизда ҳеч кўрмаган дарахтлар учради. Бамбук, манго, тамаринд, тик, туз дарахт, қамед ва худо қилади яна аллакандай дарахтлар, лекин биз улар хақида қарийб ўйламасдик. Дарёнинг суви қилдираб оқар, бир томчи ёмғир тушса, қилингудек эди. Биз ёввойи қаптар ва хўрозлар

отдик, аср палла, бошимиз устида иккита тўти учиб борар экан, иккита коплон кўринди. Глан мўъжизадай нишонга урар, унинг ўки ҳеч қачон хато кетмасди; мерганликда мен ҳам ундан қолишмасдим, бироқ, сезишимча, унинг милтиги меникидан тузукрок эди чоги, шундаям, мен ҳам нишонга аниқ уриб турдим, лекин лоф уриш, мактанчоклик қилишга ҳеч ҳушим келмасди; Глан эса аксига олиб, лакиллашдан қолмасди: «Бунисини бошидан, бунисини думидан уриб тушираман». У навбатдаги ўлжасига ўқ узишдан илгари шундай дер, қачонки, ўлжа қулаб ётганда кўрилса, у айнан боши ё думидан ўкка учгани рост бўлиб чиқарди. Биз икки коплонга дуч келганда, Глан сочма билан уларни зўрга нарирокка ҳайдади; мен бўлса; қоронги ҳам тушди; бор патронларни ҳам ишлатиб бўлдик, дея қайтишни хотирлатдим. Шу дамда унинг нигоҳлари ялтираб, кўриб қўй, мен қанчалик довуракман, сочма билан ҳам коплонларга ҳамла қилавераман, - дегудек эди.

- Эҳ, аттанг, пакиллашиб ташламаганимни - у менга ёб қўярдай қараб, сўзида давом этди.

- Бу ҳаммаси сизнинг чидаб бўлмас даражада ақл билан иш тутишингиз оқибати. Бу учун шунчалик бошқотиришнинг нима ҳожати бор? Ё шунчалик ҳам узок умр кўришни истайсизми?

- Агар сиз мени ўзингиздан ақлларок ҳисоблаётган экансиз, бундан хурсандман, - дедим қинояюмуз.

- Эй, арзимас ишқаллар учун тортишиб ўтираимизми, - деди у шу онда ўзгариб. Бу менинг эмас унинг луқмалари эди. Овда у мен билан жанжаллашишга муваффақ бўлмади. Холбуки, тез ўзгармаганда, унинг бемаза гапларидан менинг ҳам қоним қайнай бошлаган ва шу тарзда кетса, охири вой бўлиши ҳам ҳеч гап эмасди. Ниҳоят мен бахайр хотиржам тортиб, ўз соҳибжамолим олдига жўнадим, иккимизнинг ҳам қайфиятимиз жойида деса бўларди. Глан қулба олдида чўқаркан, бизга қараб, бош қимирлатди ва қулиб қўйди. Шундагина Магги унга биринчи марта зингил солиб қаради, менга саволлар бериб, уни роса сўраб-суриштирди. У кизнинг ҳаёлларини тўзгитиб юбориб, ҳўб таассурот қолдирганиди, бу менга ёмон таъсир этди ва кизга жавобим ҳам шунга яраша бўлгач, тезда бир-биримиздан дилларимиз қуйиб, икки томонга ажрашиб кетдик. Мен буларнинг ҳаммасини оқизмай-томизмай Гланга ҳикоя қилганимда, у буларнинг бари менинг хомҳаёлларим эканлигига йўйди. Бироқ, мен унга яна ҳаммасини эслатдим. Чунки, биз қулба ёнидан ўтаётганимизда у менга эмас, айнан Маггига қараб илжайганиди. Глан қизиқиб сўради:

- Намунча у қавшангани-қавшанган?

- Билмадим, - дедим мен. - Рост, унинг марварид тишлари ҳеч тинчимайди.

Вой-буй, унинг топган янгилигини; буни менинг ўзим ҳам яхши билардим. Илк бор кўрганимдаёқ диққатимни тортганиди - ҳақиқатдан ҳам Магги тўғри келган нарсани оғзига солар, чайнар, унинг оқ марварид тишлари ҳеч тинмас экан, бунда бўлак тот, маза бордек эди. Лекин у нима қулай бўлса пулми, қозоми, яна аллам бало ҳаммасини чайнаверарди. Балки бунда қандайдир уят бўлиши мумкин-қу. Шунда ҳам у барибир бу ернинг энг олди гўзали эди. Ҳаммаси қундай аниқ, Глан мени ўз мақомига йўргалатмоқчи бўлган.

Кейинги кеч биз яна Магги билан ярашиб олдик ва Глан ҳақида бошқа чурқ этмадик.

### III

Бир ҳафта ўтди, биз ҳар қўни овга борардик ва бир талай ёввойи жониворларни қийратардик. Бир эрталаб эндигина ўрмонга қирган эдик ҳам, Глан мени қўли билан

тўхтатиб, шивирлади: «Кимирламанг!» У бир лахзада милтигини олдинга ўкталиб, тепкини босиб юборди. У ёшгина коплонни жаханнамга жўнатгани аник эди. Мен ҳам уни нақд бўғзидан отишим мумкин эди, Глан бу имкониятни бермади, отини эртарок камчилаб колди. «Энди роса кўкрагига уради!» - хаёлимга ярк этиб шу фикр урилди. Биз йиркичнинг ёнига югургилаб етдик, ўк уни жойида кулатган, чап бикинини ўпириб кетиб, белига ўрнашганди.

Буни мен ҳам койиллатардим, шуни билдириб кўйгим келди:

- Мен ҳам сиздака отаолардим.

Глан менга кўз ташлаб кўйди.

Мен яна кайтардим:

- Ё сиз мерганлигимга шубха киласизми?

Глан яна жавоб кайтармади. У болаларча анойилигини яна бир бор кўрсатди. Ўлик йирткични яна бир отди ва бу сафар ўк коплоннинг бошини мажаклади. Мен унга тамоман хайрат билан анкайиб қарадим.

- Каранг-а, - тушунтира кетди у, - зўрга бикинига текканини, - буям менинг отишга ноқобил чўкчилигимни кўрсатади. Унинг кесатишини, шу оддий юмушда ҳам ўзини мактанчокликдан саклай олмагани кўзида шундок шуълаланиб турарди. Мана думбуллик. Бирок мен ўз дардим билан эдим, уни изза килиб ўтирмадим

Кечки пайт ортга кайтганимизда, коплоннинг боши атрофида бир талай шу ерликлар йигилганди. Глан уларга изох учун биз уни эрталаб отгандик, деб кўйди ва бошка чайналиб ўтирмади. Одамлар орасида Магги ҳам хозир эди.

- Уни ким ўлдирди? - Магги сўраб колди.

- Эрталаб биз отгандик, мана кара, унинг икки жойида жарохати бор, - у бирдан йирткичнинг жасадига ўгирилиб, унинг боши ва бикинидаги жарохатларни кўрсатди.

- Менинг ўким нақд шу ерига текканди, - деркан у коплоннинг бикинидаги ўйикни кўрсатди, унинг ўйламай лакиллашдан шу келиб чикдики, гўё мен коплоннинг бошидан отган бўлиб чикардим. Мен эса билмадим нима учун, унинг бу лукмасини тўгрилайдиган ахволда эмасдим. Сўнг Глан коравойларни гуруч ароги билан сийлади-да, ҳеч қачон ўзида кузатилмаган хафсала билан хиргойи килишга тушди.

- Бундан чикди, коплонни иккови ўлдирибди-да, - Магги секингина гулдираб кўяркан, унинг фикри хаёли фақат Гланда, унга термулгани-термулган эди.

Мен унга терс бир ҳаракат билан дедим:

- Намунча унга махлиёланиб колдинг? Мени кўрмай колдингми дейман?

- Кўриб турибман, - киз истамай жавоб кайтараркан, кўшимча килди, - мен бугун албатта келаман, эшитдингми.

Глан айнан ўша кунлар хат олганди. Кема орқали келган бу нома таъсири хақида шуни хис килгандим-ки, мохиятдан нома такдирни 180 мил ўзгартирар даражада эди. Хатдан аёлнинг нафаси уфурар, пайкашимча, у Гланнинг бир пайтлардаги кадрдон ҳамрози, олий маком жувондан келганлиги бегумон эди. Глан номани ўқиркан, асабий хохолади ва ўзига нотинчлик келтирган бу ҳолатни унутмок максатида бўлса керак, босиб-босиб аччик чой хўплади. У кўп ўтмай жимиб колган бўлса-да, чехраси тундлашиб, кун бўйи кўлларини бир-бирига халпанжа килганича, олисдаги бир нуктага термулиб ўтирди. Глан ўша кечкурун компаниянинг қари ароқхўри, шу ерлик қалтабакай ва унинг ўгли билан роса бўкиб ичиб ўтираркан, бир пайт менга кўзи тушиб колди ва эхтирос билан багрига тортиб, холи- жонимга кўймай, ичишга даъват этди:

- Бугун сиз жудаям одамнинг жони бўлиб кетибсиз, сабабини билсак бўладими?! -

сўрадим.

Шунда у кахкаха отиб деди:

- Биз сиз билан дунёнинг бир чеккаси Хиндистондаям ўз еримиздек ов килиб юрмаётирмизми? Бу кулгули эмасми? Келинг, бутун дунёга эгалик килишимиз учун ва барча-барча офатижон эрли ва боши очик аёллар учун, олис ва якин малаклар учун кадах кўтарамиз. Ха-ха! Тасаввур килинг! Эрли аёл-а! Энди бошида эри бўлатуриб номахрам эркакка ўзи ўзини таклиф қилаяпти-я!

- Графиниями! - Мен истехзо билан дедим. Менинг кесатигим нишонга бехато текканди. У худди ит каби тишларини иржайтирди, чунки мен ишонч билан гапирган сари, ханжар айнан юракни топиб бораётган эди. Бирдан унинг чехраси тундлашди, ковоклари учишга тушди, афтидан у ўз хатосини ортикча лакиллаб кўйганини пайкаб колди. Унинг бадбахт сирига ким хам зор эди, дейсиз? Бирок шу пайт айнан бизнинг кулбамизга бир неча болачалар бакир-чакир билан ёпирилишди.

- Ух, йўлбарслар, йўлбарслар.

Шундок кишлокнинг четидаги бутазорда, дарёдан ўтадиган жойда йўлбарс бир болага чанг солганди. Глан бўкиб ичганига карамай яна ичиб олди, ниҳоят, нафси конди чоги, шу захоти милтикни олди-да, бошига бирон нарса илмай хам, бутазорга отилди. Кизик, англаш душвор эди, нега у сочмадан олмай, якка ўкнинг ўзи билангина чиқди ё шунчалик у довьюракмиди? У дарёни кечиб ўтди, бу хавфсиз, негаки, хамишагидек ёмгир олдидан дарё ўзайи куп-курук, бўм-бўш эди. Хеч канча вақт ўтмасдан бирин-кетин икки ўк овозини эшитдим, кетидан учинчи ўк янгради... «Бир йирткич учун уч ўк отилди-я, - йўлардим, икки ўк билан, хатто шер хам кулаши шубхасиз, бунда эса бор-йўги йўлбарс...» Бирок уч ўк хам хато кетган, Глан етиб борганида, йўлбарс болани тилка пора килиб, қарийб еб бўлаёзган эди; Гланнинг бунчалик маст-аласт кўрилмаганини хам хаёлдан соқит килиб бўлмади.

Тун бўйи у кўшни хужрада, мен кимлигини билмаган бир бева аёл ва унинг икки кизалоги билан айш-ишрат қилди.

Икки кун кейин хам Глан ўзига келмаган, бутун эмин-ихтиёри шишадоши ихтиёрида эди. У мени кўриб, олдига чорлаганда ўзини ирода килолмас даражада бўлсам, дона-дона килиб рашкчи эканлигимдан сўзлади:

- Сизнинг аклингизни рашк олиб кўйган!

- Рашк! Мен-а рашк қиладиган!

- Барака топкур, - дейман. - Мен нимани сиздан рашк қилишим мумкин? Мен-а!

- Йўк, йўк, албатта сиз рашк қилмайсиз - жавоб берди ва бу жавобига алоқасиздай деди: - Аксига мен бугун хам Маггини кўрдим у хамишагидек қавшаниб юрибди.

Мен тилимни тишлаб қолдим ва бундан тезроқ узоклашдим.

#### IV

Биз яна овга борадиган бўлдик. Глан менинг олдимда ўзини айбдор хис қилганидан кечирим сўради.

- Умуман хаммаси жонимга тегди, қандайдир адашган ўк чаккамни безаса яхши бўларди. Яна графиниядан келган хат унинг халоватини бузган чоги, шуни ўйлай туриб унга дедим:

- Нима эксанг, шуни ўрасан-да!

У кун ўтган сари тунд ва камгап бўлиб борар, ичишни бас қилган, мик этмас, лаб-лунжига

эса караб бўлмасди.

Кунлардан бир куни мен тўсатдан деразам олдида хуррам овозларни эшитиб колдим, карасам, тараллабедод Глан Магги билан шакаргуфторлик килиб ўтирибди. Бари сир-асрорим хаёлимдан кўтарилди. Афтидан, киз тўгри уйдан келган, енгилтак Глан гараз билан уни номаъкул бир ишга ундамокчи бўларди. Ха, улар айна менинг деразам тагида дунёни унутиб, бир-бирларига суйкалишарди.

Мен бирдан титраб кетдим, юлкиниб милтикни олдим-да, тепкини босдим, бироқ у ўксиз экан. Сўнг ташкарига чикдим-да, Маггининг кўлидан ушлаб, уни бутун посёлка олдидан олиб ўтдим; Глан эса бу орада хонасига кириб, бекинди.

- Нега, сен яна у билан гаплашдинг? - мен Маггидан сўрадим.

У жавоб килмади.

Бу менинг жонимни хикилдогимга келтирган, юрагим англовсиз тарзда тез урар, бу холатдан чикишим жуда машаккат эди. Мен ҳеч қачон Маггини бу даражада гўзал кўрмаган, хатто ок танли хуриликлар ичида ҳам бунақа кўхлисини учратмагандайдим, рости мен унинг кора танлиларга мансублигини ҳам унутаёзган, ундан бўлак дунёи дун хаёл имдан абас бўлгацди.

- Айтгин, - дедим мен, - нега сен яна у билан гаплашдинг?

- У менга ёқади.

- У сенга мендан кўра кўпроқ ёқадими?

- Ха.

Демак, кизга мендан кўра Глан маъкул экан, менинг Гландан қандай кам жойим ё қусурим бўлиши мумкин? Кундай аёнки, мен хамиша очик кўнгиллик билан унинг кўнглини овлайман, доим кизни пул ва совгалар билан сийлайман, у-чи?

- Глан сенинг устингдан кулгани-кулган, айтишича, қачон караса, оғзингга бир нарсани тикиб, кавшаниб юрармишсан, - дедим ўчимни олаётгандек.

Аввалига киз бу кулги сабабига тушуна олмади, бироқ мен ҳам уктиришдан колмадим.

Сенинг бу одатинг Гланга ёкмайди, шу боис у сени мазах килаётибди. Охири унинг фикри-тасаввурини сал ўзгартиршга муваффақ бўлдим.

- Магги эшитиб ол, - деб давом этдим мен, - сен истасанг, бир умр меники бўласан. Сен мен билан кетасанми? Мен доим шу ҳақда бош котираман, эшитаяпсанми, мен бундан кетсам сени ҳам бирга ватанимга олиб кетмокчиман. Сенга уйланмокчиман. Унда маза килиб бирга умри гузаронлик килардик. Қандай, маъкулми?

Бу ваъдалар ҳам унга таъсир этмасдан колмади. Магги яйраб кетди ва бутун айланиш давомида чакаги тинмади. Гланни у бор-йўги бир сафар эслади ва сўради: .

- Глан ҳам биз билан борадими?

- Йўк, у биз билан бормади! - катъий килиб айтарканман, давом этдим. - Ё сен бундан афсусланаётирсанми?

- Йўк, йўк, - шошиб-пишиб деди у, - мен хурсандман.

Бошка у Глан хақида гапирмади, мен тинчландим. Ва у мен чорласам бажонидил лаббай дейдиган бўлди.

Икки соатлардан кейин, мен ёлғиз колганимда, уриниб-суриниб Гланнинг олдига кўтарилдим ва унинг нозик камиш эшигани каттик такиллатдим. У хонасида эди. Мен унга:

- Сизни оғохлантириш учун келдим, эртадан бошлаб бирга овга чикмасак, - дедим.

- Нима учун?

- Шунинг учунки, ўзимни доим ҳам ирода эта оламан деб айтолмайман, тўсатдан

энсангизни нишонга олиб кўйсам ҳам ажаб эмас.

Глан ҳеч нарса демади, мен ҳам ўз хонамга тушиб кетдим. Яна шунча гапдан кейин яна нимага деб сўрашини, бу огохлантиришимдан кейин у ҳеч қачон мен билан овга бормаслиги керак, деразам остида бир-бирига суйкалиб, баланд овозда ўйин-кулги қилганини нима деб ўйлаш керак. Умуман, агар хат келиб, ҳақиқатдан ҳам уни чорлашаётган бўлса, бу нега ўз ватанига кета қолмайди? Йўқ, бунақаси ўтмайди. У эса ҳамиша тишини гичирлатиб, ҳаммасини бой бергандай вишиллайди. «Арзимайди! Арзимайди, менга тўртдан бири бўлгандаям!»

Бирок бу воқеанинг эртаси кун, огохлантиришимга қарамай, тонготарда Глан менинг тўшагим олдида пайдо бўлиб, бақирди.

- У, бобой, қани бўлинг, вақт бўлди. Ҳаво ҳам аъло даражада. Баайни ов учун, кечага сўзларни ҳаёлингизга ҳам келтирманг. Сиз ўзи гарт беҳуда гап қилдингиз.

Хали соат тўрт бўлмаганига қарамай, мен ҳам шу чоғ ўрнимдан сакраб турдим ва кечага гап-сўзларимга бепарво тайёргарлигимни кўрдим. Мен унинг кўз олдида милтиқни ўқладим. У айтгандай ҳаво у қадар эмас, ёмғар томчилаб турар, у айнан таҳқирлаш учун бу гапларни ўйлаб топганди. Бирок мен ҳам қасди-бастига олиб, чурк этмадим.

Ҳар қим ўз ҳаёли билан кун бўйи бутун ўрмоқца тенти раб юрилди, биз қанча-қанча хилват, овга қулай жойлар қолиб, бошқа ўринларда, тамоман бошқа бир юмушга машғулдек кезиндик. Кун яримлаб қолганда Глан мендан бироз олдинда, мен уни саранжомлаш учун айна қулай ўринда нима учундир атайин кетиб борарди. У айнан милтигим оғзига тўғи жойда борар, бу ҳам ўйлашимча, фақат мени таҳқирлаш учун эди.

Ҳар қалай, биз ҳеч бир мажорасиз ортга қайтдик. Ҳеч қиси йўқ, бу ёғига чидаш қийинмас, оз қолди, ҳадемай Маггини кўриш билан буларнинг бари унутилади.

- Ҳаётимдаги энг узун кун бўлди назаримда бугун, - деб қолди Глан кеч палла, биз қулбаларга яқинлашай деб қолганимизда.

Кун бўйи орамизда айтилган гап бор-йўғи шу эди. Кейинги кунларда у жуда тушқун руҳда юрар, эҳтимол буларнинг барига ўша нома боис эди.

- Мен ортик қидолмайман. Йўқ, қўлимдан ҳам ҳеч нарса қелмайди. - Тунда у шундай деб хайқириб юборгани бутун уй ичига эшитилди. У ўзининг бадбин руҳида шу даражага етиб боргандики, сохибамизнинг энг хушмуомала сўраб-суриштиришларига ҳам жавоб қилмас, уйқусида алақираб қиларди.

«Ҳа, рост, унинг виждони тоза эмас! - ўйлардим Мен, - қаранг, уйда ҳам туз тортмади.

Қийналишлари тушунарли, ахир уни итдек хайдаган Хонадонга яна қандай юз билан қириб боради. Бунда ҳаммадан ҳам қўп ўз такаббурлиги ҳалақит бераётгани аниқ!»

Магги билан ҳамишагадек Гланнинг олдида кўришиб юрсам-да, у бу ҳақда гапирмасди.

Бундай қарасам, Маггининг жағи қимирламас, ҳар доимгидек чапиллатиб юришни у ташлабди, мен бундан қувониб кетдим. Ҳаёлимда ўзимча ўйлардим: қандай яхши бир қусурини ташлабди, мен бўлса уни икки баробар қўпроқ севаман. У бир Глан ҳақида, шунда ҳам эҳтиёткорлик билан сўраб қолди: - У ҳаста эмасми? Бирон ёққа кетгани йўқми?

- Хали унинг уни ўчганича йўқ, демак ҳеч қачон ҳозирча гумдон бўлмаган, - кўрслик билан дедим мен, - албағгта, хонасида ағанаб ётгандир. Менинг учун бунинг ҳеч бир қизиги йўқ. У роса қўнғимга теккан!

Бирок биз уйга яқинлашиб қелар эканмиз, Гланга кўзимиз тушди, у буйра устида узала тушиб ётар, қўлини боши остага болиш қилиб, осмонга термулиб ўтарарди.



- Бахтга карши, ана у, ётибди, - дедим мен.

Магги шундай дея-демасимдан унга караб чопди, хатто мен уни ушлаб колишга хам улгурмадим. Магги севинч билан халлослаб деди:

- Энди мен огзимга на перо, на пул, на когоз тикаман, карасангчи, мен огзимни чапиллатиб, кавшаниб юришни бутунлай ташладим.

Глан зўрга кизга каради, яна тезда нигохини осмонга бурди, биз Магги билан кетдик. Мен эндигина халиги килиги учун уни койишга киришган эдимки, у берган ваъдасига хилоф равишда яна Гландан гапираверди, унинг ёнида бўлишни хохлаётганини билдирди.

- Хим, демак, сен - бундан чикди унинг учунгина чайнашни бас килибсан-да, шундай эмасми??

- У мик этмади. Бу килиги яна нимаси, менга жавоб беришни хам хохламаса?

- Жавоб бер, унинг учун шундай килдингми?

- Йўк, йўк, - жавоб кайтарди у, - буни мен сен учун килдим.

Кани энди мен хам шундай деб ўйласам.

Нега у Гланнинг кўнглини олиш учун бунчалар уринади?

Кечкурун Магги келишга ваъда берди ва келдиям.

V

У ўнларда келди, ташрифи кулогимга чалинган овозидан билинди.

Магги кўлида бола кўтариб олганича, гўдакка каттик-каттик гапирарди. Нега у бола билан келибди? Яна нега уйга хам кирай демайди? Мен уни зимдан кузатарканман, унинг гўдакка каттик-каттик сўз айтиши, огохлантириш кўнгирогидай менга туюла бошлади ва бунинг устига унинг нигохи болахонадаги Гланнинг хонасидан узилмаётганига хам кўзим тушди. Глан унга бош иргаб кўйдими, ё кўлини силкитдими? Пастдан бунга жавобандай кизнинг овози янгради. У бола билан гаплашар, аммо нигохи тепага кадалганди, ўзимча хаммасини англаб етдим.

Мен ирғиб туриб, унинг кўлидан ушлаб, хонага олиб киргим келди, бироқ шу пайт унинг ўзи болани кўйнидан бўшатиб йўлакдаги эшигимизга кирди. Мана ниҳоят хозир унинг таъзирини бериб кўяман.

Магги қандай килиб ичкарига кирганини эшитиб турдим. Хато бўлиши мумкин эмас, у қарийб хонам олдига етиб колганди. Бироқ, у менинг олдимга кириш ўрнига зинапоя оркали юкорига кўтарилаётганини, бир амаллаб болахонадаги Гланнинг хужрасига етганини жуда аниқ эшитдим. Мен хонам эшигани ланг очганимда, Магги қарийб кўтарилаёзганди.

Сўнг камиш эшик каттик ёпилди ва ҳеч сас эшитилмай колди. Буларнинг бари ўнларда бўлди.

Мен хонамга кириб, алламахал бўлишига карамай, милтикни олиб, ўкладим. Сўнг тепага кўтарилиб, Глан эшигининг ортидан кулок солдим. Унда Магги борлига, улар аллақачон апок-чапок бўлиб кетгани менга билинди. Мен пастга тушдим, бироздан кейин яна тепага чикдим. Бироқ хаммаёк сув куйгандай жим-жит эди. Мен эшик ортида туриб, улар уйғонишини кутардим. Соат уч бўлди, тўртдан ўтди, бешлардагана улар уйғонишди. Мен ул воқеа хақида ўйламасдан факат хозир хақида хаёл суриб, «Уларнинг уйғонгани яхши бўлди-да», деб пичирладим. Шу палла хонадон сохибасининг вагур-вагури эшитилиб колди, у-бу алфозда менга кўзи тушишидан, хавфсираб, пастга тушишга

шошилдим. Кулогимга хамон Глан ва Магги уйгонгани, гаплари кириб турар, мана у кетмокчилигиям билинди.

«Халигина у шу ердан ўтаркан, елкаси хонам эшигига тегиб, ўтган, биров эшикни очмаган, зина бўйича юкорига кўтарилганди. Мана ўша чирик, тўрт ёгочли зина, хадемай унинг ўзи шундан пастга тушиб кетади». Хонамда ўтириб ўйлаганим-ўйлаган эди. Тўшагим гижим бўлиб ётар, мен бир зумга унга чўзилишни хаёлимга хам келтирмасдан, дераза олдида ўлтиргунча милтигим билан машгул эдим. Юрагим титрар, ковликлар, у кўксимда йўк даражада эди.

Ярим соатлардан кейин зинада Маггининг кадам товушлари эшитилди. Мен деразадан энгашиб, у кандай уйдан чикаётганини кузатдим. Унинг этаги тиззасига хам келмас, эгнида калта чит кўйлак, елкасида Гланнинг шарфи солинганди. Афти ангориди бирон бир ўзгариш сезилмас, факат юбкаси гижим эди. У хамишагидек, юрайми-юрмайми дегандек нозли кадам босарди. Ё пирай, у менинг деразамга киё хам бокмади, шундй ўтди-кетди.

Кўп ўтмай Глан олдимга кирди. Унинг ов учун хамма жихози тахт, милтиги ўкланган, чехраси эса ниҳоят тунд эди. Одатдаги мукоми менга таъзим хам килмади. У дид билан ясан-тусан кийинганди. «Саруполарини, худди куёвларникидек» - ўйлардим мен. Мен хам шошиб-пишиб унинг ортидан чикдим, жим борардик. Ўйнаб-ўйнаб у икки тус товукни шафкатсизларча йўклик оламига жўнатгандиям, дарахт остида нимадир ковуриб, тушлик килганда хам бировимиздан садо чикмади. Ярим кун шундай адо бўлди. Хеч кутилмаганда Глан бирдан бакириб колди.

- Сиз ўзи ростдан хам милтигингизни ўклагингизми? Тўсатдан бирортаси хамла килиб колса, нима киласиз?!

- Хаммаси тахт, хотиржам бўлинг, - жавобига мен хам бакириб дедим. У шу он буталар орасига кириб гойиб бўлди. О, кандай аломат бўларди, шу паллада уни худди итдай отиб ташлаганимда. Биров кайга хам шошади, афтидан у хам хаёлимда нима айланиб юрганини яхши биларди, шу боис хам мен милтикни ўклаганимни кайта-кайта сўраб, аник билмокчидай эди. Ох, янги кўйлагини кийиб олиб, ясан-тусан килиб олганини; хеч бўлмаса бугун ўз калондимоглигидан колса эди, бу бўлса каноти бўлмаса хам кўкда учиб юргудек тутуди ўзини.

Куннинг белгисиз бир вақтида у хаддан кахрли, ранггида ранг колмаган алфозда менга каради ва деди: Йўк, йўк, бунисига хеч чидаб бўлмайдиди! Ха! Ха, сиз ўзи милтикни ўклаганмисиз?

- Сизда ўзи патронлар борми?

- Яхшиси ўз милтигингизнинг дардини енг, - десамда унинг бетокатланаётгани менга аён эди.

У яна олд томонга ўтиб кетди. У жимгина, бошини хам килиб бораркан, мен орамиздаги масофани аник белгиладим. Орадан ўтган бир соатлар давомида каптар олдим. Яна милтигимни ўклар олдим. Милтикни ўклар эканман, Глан дарахт олдида туриб, менга зингил солди ва хакикатдан ўк жойлаётганимнинг гувоҳи бўлгач, тасаввур киласизми, худди тўйлардагидек хиргойи килишга тушди. «Каранг маракага келгандек, ясан-тусан килиб олганини. Кўшик айтмокда - ўйлардим мен, - кўриниб турибди, бугун у ўзини алохида, енгиб бўлмас даражада тутмокда». Кейин у тўгри менинг рўпарамда пайдо бўлиб, бошини кўтариб олди, майда кадам ташлаб, хиргойисини давом эттирди. У яна менинг милтигим оғзида борар, худди шу пайт, тўй ашуласини куйлаётганида хаммаси юз бериши керак деб ўйлаётгани шундок сезилиб турарди. Биров хеч нарса юз бермади.

У хаммасини сайри томошага чиккандай, тугатди. Майли хеч киси йўк.

- Эй, бугун хеч омадимиз юришмади-да, - деркан, у менга гўё хиргойи килгани учун хижолатли кулиб каради. Унинг бу бегубор кулгиси ажойиб, аслида кулгиси ортида кўз ёшлари тикилиб турганини пирпираб учаётган ковокларидан хам билса бўлар, хатто намойишкорона кулиб турган бўлса хам бу шубхасиз эди.

Мен унга бир ожиза эмаслигимни жуда яхши билар, бунака хазиллар ўтмаслигини билгани сари, асабийлашар, атрофда чарх уриб, гоҳ ўнгдан, гоҳ чапдан пайдо бўлар ва тўхтаб, ниманидир аник кутарди. Соат бешларда янграган ўк товушидан бирдан калкиб тушдим, ўк менинг чап кулогим тепасидан чийиллаб ўтганди. Мен нигохимни кўтариб олдга карасам, Глан бир неча кадам нарида туриб, менга термулар ва унинг милтиги огзи тутаб турарди. «Нима бало, у мени отмокчи бўлдимиз?» Мен унга караб:

- Шунча хам укувсизлик билан отадиларми, сиз нишонга тегизаолмадингиз-ку, - дедим. Бирок, у хеч қачон ёмон отмас, нишонга олишда хеч хам адашмасди, максоди, мени газаблантириши?

- Ох, ярамас-эй, нимага карайсиз, ўч олсангиз-чи, - у бакириб берди.

- Хаммасининг ўз вакти-соати бор, - дедим мен тишимни тишимга кўйиб.

Шундай биз юзма-юз туриб, бир-биримизга карарканмиз, Глан елкаларини кисиб менга кичкирди:

- Кўркок.

Ох, у яна мени "Кўркок" деб хам атади- я! Мен милтигимга ёпишиб, уни нақ юзига тўгриладим-да, тепкини босдим.

Нима эксанг шуни ўрасан!

Глан оиласидагиларнинг бу одамни кидирувни давом эттираётганлари беҳуда. Мени мархум хакидаги алмисокдан колган ахмоқларча маълумотлар жахлимни чиқаради.

Томас Глан Хиндистондаги бир овда, бахтсиз ходиса туфайли бир дайди ўқдан паймонаси тўлган. Суд унинг номи ва казо кунини расмийлаштириб, бир жилдга тикиб кўйибди. Ўша расмий коғозда ёзилганига кўра у ўлган, айнан бир дайди ўқ зарбидан ўлган, ўлган эшитдингизми?

**Вафо Файзулло таржимаси**

**«Ёшлик» журнали, 1998 йил, 3-сон**